

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАЙХОНОВА МУХАЙЁ МУХАММАДИЕВНА**

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА  
ОЛАМНИ ИДРОК ЭТИШ ВА БАДИИЙ  
ВОҚЕЛАНТИРИШ ТАДРИЖИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
In Philological sciences**

**Райхонова Мухайё Мухаммадиевна**

Абдулла Орипов шеърятда оламни идрок этиш ва бадий воқелантириш  
тадрижи ..... 3

**Райхонова Мухайё Мухаммадиевна**

Эволюция восприятия мира и его художественного изображения в поэзии  
Абдуллы Арипова.....23

**Raykhonova Mukhayyo Mukhammadievna**

The development of world perception and its artistic images in  
Abdulla Oripov's poetry.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications..... 47

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАЙХОНОВА МУХАЙЁ МУХАММАДИЕВНА**

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА  
ОЛАМНИ ИДРОК ЭТИШ ВА БАДИИЙ  
ВОҚЕЛАНТИРИШ ТАДРИЖИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Fil957 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Қарши давлат университети Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Афокова Нодира Махмудовна**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Жабборов Нурбой Абдулҳакимович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Эшонқулов Ҳусниддин Примович**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**


**Самарканд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 03/30.12.2019.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "10 сентябрь" соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz.). Қарши давлат университети, Физика-математика факультети биноси, 102-хона.


Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (62-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "28 август" куни тарқатилди (2021 йил "28 август" даги 7 рақамли реестр баённомаси).



  
**Н. Н. Шодмонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор.

  
**Г. Н. Тожиёва**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.ф.д.

  
**Д. Тўраев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида оламни идрок этиш ва бадиий воқелантириш ҳодисасини очиб бериш, бу борадаги илмий-назарий қарашларни умумлаштириш масаласига алоҳида диққат қаратилмоқда. Чинакам бадиий ижодда муайян халқнинг ибтидоий-мифологик тасаввурлари ва ўзига хос тафаккур тарзидан бошлаб, тарихий-ижтимоий тараққиёт босқичлари, онг ва онгости захиралари, миллий колорит, халқнинг асрий орзу-умидлари, аниқ тарихий муҳит, аниқ ижтимоий муҳит каби умумий ҳодисалар индивидуал дунёқараш ва борлиққа муносабат, оламни субъектив англаш, шахсий ҳаёт тажрибаси ва кечинмалар, шахсий орзу-умидлар билан синтезлашган ҳолда бадиий шаклда акс этади. Бадиий тафаккур маҳсулининг синтезлашган система сифатидаги мукамаллигини ижодкор тафаккури ва истеъдоди даражасини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида муайян ҳудудларда адабий ҳаракатчилик шаклланишининг ижтимоий-сиёсий ва адабий-эстетик омиллари, такомил босқичлари, етакчи намояндалари биографияси ва ижодий фаолиятини ўрганиш, асарларининг мавзу қамрови ва талқини, жанр хусусиятлари ва бадиият масалаларидаги анъана ва янгиланиш тамойилларини тадқиқ этиш кун тартибида турган долзарб вазифалар сирасига киради. Қадимги юнон фалсафасидан тортиб идеализм, диалектик материализм, экзистенциализм, фундаментал онтология каби концепцияларнинг ҳар бирида борлиққа ўзига хос ёндашувлар мавжуд. Ҳар қандай миллий адабиёт ғайриинсоний бўлмаган хилма-хил мафкуралар, услублар, нуқтаи назарлар, ёндашувлар, ғоялар, ҳатто қарама-қаршиликларнинг уйғунлигидагина тизимли, ривожланиб боровчи барқарор ҳодиса сифатида намоён бўла олишига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек адабиётшунослигида Абдулла Орипов мутафаккир шахс, олам ва одам тўғрисидаги фалсафий қарашлари тизим шаклида бадиий ифода топган ижодкор эканига қарамасдан, унинг асарлари то ҳозирга қадар айнан илоҳий борлиқ, ижтимоий муҳит ва шахс муносабатлари диалектикаси нуқтаи назаридан яхлит ҳолда илмий тадқиқ қилинган эмас. Мамлакатимизда маънавий-маърифий муҳит, тарбия ва уларни шакллантириш воситаларидан бири бўлган санъат ва адабиёт масаласи сўнгги йилларда бош ўринларда бўлиб келмоқда. “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”<sup>1</sup>. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда жумладан, миллий лирика муаммоларини аниқлаш, алоҳида олинган шоирлар ижодини очиб бериш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир/ Халқ сўзи. 2017. 4 авг.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан-технологиялар ҳамда инновацион ривожланишнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Миллий лирика муаммолари ҳам<sup>2</sup>, алоҳида олинган шоирлар ижоди ҳам<sup>3</sup> адабиётшунослигимизда турли жихатлардан фундаментал тадқиқотлар даражасида ўрганилган. Диссертация иши учун объект сифатида танланган шоир Абдулла Орипов ижоди адабиётшуносларимиз томонидан турли миқёсларда ўрганилган. Абдулла Орипов асарлари тадқиқи борасида Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Сувон Мелиев, Илҳом Ғаниев, Нурбой Жабборов, Нодира Афоқова, Улуғбек Ҳамдамов, Дониёр Бегимкулов, Гулбаҳор Ашурова, Акрам Ҳамдамов,

---

<sup>2</sup>Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърятини бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Филол.фан.докт... дисс. – Тошкент, 2018. – 252 б.; Абсамиев Х. Традиция и новаторство в узбекской советской поэзии 60-70 годов. Дисс. на соиск... канд.филол.н. – Ташкент, 198. – 20 с.; Назаров П. Идеальность и мастерство в современной узбекской поэзии. Дисс. на соиск... канд.филол.н. – Ташкент, 1988. – 20 с.; Салиев Н. Проблема гражданственности в узбекской советской поэзии 70-80-х годов. Дисс. на соиск... канд.филол.н. – Ташкент: 1989, 18 с.; Шарипов Р. Стилевые особенности современной узбекской поэзии (80-е годы). Дисс. на соиск... канд.филол.н. – Ташкент, 1990. – 18 с.; Боборахимов М. Конфликт и характер в узбекской лирике 80-х годов. Дисс. на соиск... канд.филол.н. – Ташкент, 1991. – 20 с.; Мирзаева Д. Поэтик мантик ва бадиий тафсил. – Самарканд, 1993. – 40 б.; Қодиров О. Ҳозирги замон ғазаллари поэтикасининг айрим хусусиятлари. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 1993. – 24 б.; Алиев Б. Ҳозирги замон шеърятининг психологизм муаммоси (70-80-йиллар). Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 1994. – 26 б.; Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 1994. – 30б.; Қосимов Я. Ўзбек шеърятининг поэтик фикрининг янгилашиш жараёни. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 1994. – 22 б.; Ҳамдамов У. 30-йиллар ўзбек шеърятининг “соф лирика” муаммоси (Ойбек шеърятининг асосида). Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 1997, – 2 б.; Ражабов Д. Бадиий образ ва ритмнинг ўзаро муносабати. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 1998. – 24 б.; Сувонова Ж. Ҳозирги ўзбек шеърятининг бадиий изланишлар. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2000. – 22 б.; Йўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерн шеърятининг асосий хусусиятлари. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2004. – 24 б.; Ҳайитов А. 90-йиллар ўзбек лирикасида анъана ва шаклий изланишлар. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2004. – 22 б.; Қурбонбоев И. 90-йиллар ўзбек шеърятининг образлилик. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2005. – 22 б.; Бурхонова Ф. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм. Филол.фан.номз...дисс. автореферати. – Тошкент, 2019.

<sup>3</sup>Эшонова З. Идеино-художественные особенности поэзии Чулпана. Дисс. на соиск... канд.филол.н. – Ташкент, 1991. – 22 стр; Сабирдинов А. Ойбек шеърятининг сўз ва образ. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 1993. – 24 б.; Йўлдошев Н. Чўлпон шеърятининг пейзаж. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 1994. – 28 б.; Абдукаримов Т. Зулфиянинг 70-80-йиллар ижодида лирик қаҳрамон тасвири. Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент: 1995. – 28 б.; Эрнязарова Г. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2001. – 30 б.; Ҳамидова М. Ҳалима Худойбердиева лирикасининг бадиий хусусиятлари. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2004. – 22 б.; Ходжамқулов О.Н. Миртемир лирикасида сўз ва образ. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2004. – 22 б.; Умирзоқова Н. Усмон Носир шеърятининг руҳият тасвири. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2005. – 22 б.

Обит Каримов, Гулрухбегим Равшанова, Лайло Ўсарова<sup>4</sup> кабилар муайян илмий тадқиқотларни амалга оширганлар. Бинобарин, академик Матёкуб Қўшжонов шоирнинг адабий портретини яратган. Тадқиқотчи Нодира Афоқова шоир асарларида қўлланган бадиий санъатларни мумтоз адабиётга киёсан ўрганган бўлса, Гулбахор Ашуровани ҳам шоирнинг бадиий маҳорати масаласи қизиқтирган. Шунингдек, миллий адабиёт, шеърят назарияси йўналишида яратилган қатор тадқиқотларда ҳам у ёки бу мавзу муносабати билан Абдулла Орипов ижоди илмий таҳлилга тортилган.<sup>5</sup> XX аср ўзбек шеъряти учун эталон бўла оладиган шоир асарларини шу давр адабиётига оид тадқиқотларда четлаб ўтиш ҳам мумкин эмас, аслида.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ОФ-07 “Адабий ҳодисаларнинг тарихий тадрижи ва назарий тараққиёти масалаларини ўрганиш” мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган (2017-2021 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** Абдулла Ориповнинг олами фалсафий идрок этиш ва уни бадиий қайта гавдалантириш концепциясини тадрижий ўрганиш, ижтимоий муҳит ва ижодкор шахс муносабатлари диалектикасини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тарихий муҳитнинг ижодкор шахс дунёқарашининг шаклланишига таъсирини ўрганиш;

фалсафанинг асосий масаласи бўлган оламнинг яратилиши ва унинг тузилиши, борликда инсоннинг ўрни ва унинг вазифалари каби

---

<sup>4</sup> Қўшжонов М. Онажоним шеърят. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994; Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979; Қўшжонов М., Мелиев С. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2001; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. Филол.фанл.номз... дисс. – Тошкент, 1998; Ганиев И. Афоқова Н. Озод рух фалсафаси. – Тошкент: Фан, 2007; Ганиев И.Афоқова Н. Абдулла Ориф фалсафаси. – Тошкент: “Мухаррир”, – 310 б.; Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги НМИУ 2015. – 304 б.; Афоқова Н.Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. – Бухоро, 1995. – 134 б.; Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2002. – 198 б.; шу муаллиф Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007. – 196 б.; Ашурова Г. Сўз ва тимсол уйғунлиги. – Тошкент: Маънавият, 2007; Жабборов И. Абдулла Орипов шеърятда тарихий шахс концепцияси ва лирик қахрамон масаласи. Филол.фанл.номз...дисс. – Тошкент, 2008. ва х.к. Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеърятда халқона поэтик тафаккур муаммоси. Филол.фанл.номз...дисс. – Тошкент, 2011. Каримов О. Абдулла Орипов шеърятда метафорик образлар тизими. Филол.фанл.номз...дисс. – Тошкент, 2012. Равшанова Г. Абдулла Ориповнинг ҳажвнавислик маҳорати. Филол.фанл.номз...дисс. – Тошкент, 2020. Ўсарова Л. Абдулла Орипов ижодда миллий рух ифодаси. Филол.фанл.номз...дисс. – Тошкент, 2020.

<sup>5</sup>Қосимов Я. Ўзбек шеърятда поэтик фикрнинг янгиланиш жараёни. Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1993; Йўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерн шеърятининг асосий хусусиятлари: Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2004; Акрамов Б. Проблема поэтического образа в современной узбекской лирике (60-е-80-е годы). Автореф. дисс... докт.филол.наук. – Тошкент, 1991; Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърятда психологик тасвир маҳорати. Филол.фан.докт... дисс... автореф. – Тошкент, 1999; Қурбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеърятда образлилик. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2005; Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талкин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари. Филол.фан.докт...дисс. – Тошкент, 1996; Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қахрамон талқини. Филол.фан.докт... дисс. – Тошкент, 1994; Аҳмедов Ҳ. Ўзбек адабиётда насрий шеър. Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1995; Маматова А. Ўзбек адабиётда сарбаст шеърнинг шаклланиши ва унинг бадиий-эстетик хусусиятлари. Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2000; Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърят бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Филол.фан.докт... дисс. – Тошкент, 2018.

муаммоларнинг бадий талқинини Абдулла Орипов ижоди мисолида кузатиш;

шоир ижоди босқичларини тарихий-ижтимоий муҳит контекстида ажратиш;

ижодкорнинг шўро ва миллий истиқлол даврида яратилган асарларини қиёсий таҳлил қилиш;

шоир ижодининг сўнгги босқичини шахс, гражданин ва ижодкор сифатидаги умр йўлининг якуни ўлароқ тавсифлаш;

оламни идрок этиш ва бадий тасвир поэтикаси доирасида Абдулла Орипов шеъриятида жанр диалектикасини кузатиш;

оламни бадий қайта гавдалантиришнинг тасвирий-воситавий усуллар билан ўзаро муносабатини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Абдулла Ориповнинг 8 жилдлик “Танланган асарлар”ида жамланган шеърый асарлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Абдулла Орипов шеъриятининг майдонга келиши ва ғоявий-бадий тадрижини таъмин этган, шоирнинг бадий тафаккур тарзини белгилаган ижтимоий-психологик омиллар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

шоир лирикасининг халқона бадий тафаккур мезони, мумтоз поэтика усуллари, тарихий асарда замон ва макон таҳлили, тарихий-асарнинг мазмуни ва мавзуси, тарихий-ижтимоий муҳитда ижодкор шахси ва дунёқарашини шакллантирувчи бошланғич манба эканлиги Абдулла Орипов ижоди асосида аниқланган;

ижодий жараён ўта мураккаб кечган XX асрда ўзбек адабиёти тараққиётининг ижтимоий, эмпирик хусусиятларини ўзида акс эттирган Абдулла Орипов асарларида олам, унинг тузилиши, ижтимоий борлиқ ва унда инсоннинг ўрни муаммосининг бадий талқини яхлит ҳолда очиб берилган;

мураккаб ижтимоий-тарихий шароитда яшаган шоир ижоди босқичлари инсон ва унинг жамиятига муносабати образли таҳлил, муфассал таҳлил, муаммоли таҳлил, дидактик таҳлилига кўра аниқланган;

Абдулла Орипов шеъриятида мазмун ва жанр диалектикаси, оламни бадий қайта гавдалантиришнинг тасвирий-воситавий усуллар билан ўзаро муносабати, борлиқда инсоннинг ўрни ва унинг муаммоларининг бадий талқини, оламни бадий қайта гавдалантиришнинг тасвирий-воситавий усуллар билан ўзаро муносабати шоирнинг асарлари мисолида очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

шоир лирикасининг халқона бадий тафаккур, мумтоз поэтика, ўзбек халқи тарихидаги фаол ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқлиги, жаҳоний поэтик ҳодисанинг миллий заминга эгалиги очиб берилган;

Абдулла Орипов шеъриятида оламни идрок этиш ва бадий гавдалантириш эволюцияси кўрсатиб ўтилган;

шоир ижоди мустақиллик мафкураси асосида таҳлил этилиб, ёш авлод маънавияти, илмий ва бадий тафаккури такомил топишида фаол амалий моҳиятга эгалиги аниқланган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, қўлланилган илмий усуллар ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материалларнинг илмий методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, адабиётшуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида таҳлил ва талқин қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Абдулла Орипов шеърятда оламни идрок этиш ва бадиий воқелантириш тадрижи муаммоси яхлит тизим сифатида тадқиқ этишга бағишланган ушбу диссертацияда олам, ижтимоий муҳит ва ижодкор шахс муносабатлари, шунингдек, илоҳий ва ижтимоий борлиққа муносабатнинг бадиий тасвир поэтикаси билан алоқадорлигини миллий адабиёт материаллари мисолида илмий тадқиқ этиш орқали муҳим назарий хулосалар муайян шоир ёки ёзувчи асарларини тарихий-ижтимоий муҳит контекстида илмий тадқиқ қилиш учун йўналиш бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти XX аср ўзбек адабиёти тарихи бўйича тадқиқот олиб бораётган мутахассислар учун назарий фикр-мулоҳазалардан ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги тарихини ўрганишда, олий ўқув юртлари филология факультетларида “Ҳозирги адабий жараён”, “Замонавий ўзбек адабиёти ва адабий жараён”, “Бадиий таҳлил асослари” каби фанларини ўқитишда, шу фанлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва дастурлар тузишда, филология фанларига оид дарс машғулотларида, ўзбек адабиёти, адабиёт назарияси ва Абдулла Орипов ижодига оид илмий изланишлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Абдулла Орипов шеърятда оламни идрок этиш ва бадиий воқелантириш тадрижи бўйича олиб борилган тадқиқот асосида олинган натижалар асосида:

жаҳон ва замонавий ўзбек адабиётшунослигида оламни идрок этиш ва бадиий воқелантириш ҳодисасининг ўрганилиш усуллари, бунга доир назарий хулосалар умумлаштирилиб, ўзбек шеърятига хос поэтик ходисанинг моҳияти ҳақидаги кузатувлардан, шеърятдаги фольклор мумтоз адабиёт, жаҳон адабиётига хос поэтик омилларнинг аниқлашга оид илмий хулосаларидан FA-F1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (ЎзРФАҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 26 майдаги 17-01-111-сон маълумотномаси). Натижада жаҳон ва ўзбек шеърятдаги оламни идрок этиш ва бадиий воқелантириш, адабиётга хос поэтик омилларнинг илмий натижаларини аниқлаш имконини берган;

шоир ижоди мисолида бадиий тафаккурда оламнинг яратилиши ва унинг тузилишига оид хулосасидан “Митти юлдуз” жилolari ёхуд Абдулла Орипов издошлари ҳузурида” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё бўлимнинг 2021 йил 31 мартдаги 30-сон маълумотномаси). Натижада оламни фалсафий идрок этиш ва бадиий тафаккур диалектикаси талқинини ойдинлаштириш имконини берган;

Абдулла Орипов шеърятда мазмун ва жанр диалектикаси, оламни бадиий қайта гавдалантиришнинг тасвирий-воситавий усуллар билан ўзаро муносабати шоир асарлари мисолида очиб берилганлигига оид хулосаларидан “Ҳозирги замон ўзбек адабиёти” номли экспозицияни шакллантиришда фойдаланилган (ЎзФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейининг 2020 йил 28 декабрдаги 136-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек шеърятининг янгилашиш тамойилларини тадқиқ этишда ва бу ўлмас меросни оммалаштиришга эришилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 3 та республика илмий-назарий анжуманларда илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 5 таси республика ҳамда, 4 та халқаро 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги ва амалий қиммати ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларнинг эълон қилингани ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Оламни фалсафий идрок этиш ва бадиий тафаккур диалектикаси”** деб аталган биринчи боби уч фаслни ташкил этади. Биринчи фасл **“Тарихий муҳит ва иждоқор шахс дунёқарашининг шаклланиши”** деб номланади. Мазкур фаслда шоир Абдулла Орипов дунёқарашининг шаклланиш манбаларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Абдулла Орипов дунёқарашининг шаклланишида халқнинг асрий удумлари, анъаналари, халқ оғзаки ижоди ҳам катта роль ўйнаган. Чунки у кўпроқ замонавийлашиб, илдизларидан узилган шўро шаҳрида эмас, ўша асрий маънавий мерос ҳатто ҳозиргача ҳам Ўзбекистоннинг бошқа мавзеларига қараганда кўпроқ сақланиб қолган Қашқадарёнинг олис қишлоғида туғилиб-ўсган. Шоир болалигини эслаб: “Баҳор тошқинлари, саратоннинг зерикарли, жимжит кунлари, кузнинг изғиринли оқшомлари, қишнинг олис кечалари, қоп-қора осмонда чарақлаган сонсиз юлдузлар, раҳматли Маҳкам момонинг турфа ривоятларию, Исмоил чўлоқнинг олди-қочди эртаклари худди кечагидек

эсимда” деб ёзади<sup>6</sup>. Таржимаи ҳолда эса “...киш кунларида тўйларга қўшни туманлардан номдор бахшилар келиб, тонг отгунча дoston айтишарди. Биз болалар бахшини тинглай-тинглай бир-биримизга биқинишиб ухлаб ҳам қолар эдик.”<sup>7</sup> дейилади. Ўша ривоятлар, эртаклар, дostonлар орқали шоир шуурига бадий сўз сеҳри билан бирга олис асрларда яшаган ота-боболарнинг руҳий қуввати ҳам оқиб кирган. Психологияда бир қоида бор: бирор нимани ёд олиш учун уйқудан олдин ўшани айтиш ва уйғонибоқ яна ўшани такрорлаш керак; одам, масалан, қандай мусиқа тинглаб туриб ухлаб қолса, ўшанинг руҳи билан уйғонади. “...бахшини тинглай-тинглай” ухлаб қолишда ҳам шунга ўхшаш руҳий ҳодиса бор. Халқнинг дostonларда мужассамлашган улкан руҳий қудрати, тарихининг энг шарафли лаҳзалари, муқаддас анъаналари ва тафаккури, тасаввури, тахайюлотининг бепоён қуввати ўша фурсатларда бўлғувси шоирнинг ботини, истеъдоди билан омухталашган ва Абдулла Орипов сиймосида ҳар бир халқда вақти-вақти билан майдонга чиқажак мутафаккир шоирни, даҳони уйғотган.

Умуман олганда, “Санъаткорнинг ижодий кредоси, атроф воқеликка муносабати, унинг этик ва эстетик идеали айнан бадий ижодда инъикос топади”<sup>8</sup>. Шунинг учун ҳам санъат асарини ёзувчи дунёқараши масаласини ҳал этмай туриб чуқур тадқиқ этиб бўлмайди. Абдулла Орипов ижодий фаолиятининг ярмидан кўпроғи шўро даврида, қолгани эса мустақиллик йилларида кечди. Мутафаккир шоир ижодидаги мураккаблик, айтиш мумкинки, мазмун-моҳиятига кўра бир-бирига зид бўлган ана шу икки тарихий давр билан боғлиқ. Ишда шоир дунёқараши асрий миллий кадриятлар сақланиб қолган юртда оила ва маҳалладаги тарбия орқали кўп асрлик миллий кадриятлар, анъаналар, халқ оғзаки ижоди асосида, илмий дунёқараш эса шўро мактабларидаги таҳсил орқали шакллангани шоирнинг ўзи ёзган таржимаи ҳоли, бадий ва публицистик асарлари материалида очиб берилди. Шоир дунёқарашининг шаклланишида, шунингдек, мутолаа ҳам катта роль ўйнаганлиги эътироф этилди.

**Ишнинг “Бадий тафаккурда оламнинг яратилиши ва унинг тузилиши масаласи”** деб номланган иккинчи фаслида ижодкор шахснинг борлиқ, инсон, инсонлик ҳаётига оид қарашлари санъат ва адабиётдаги энг муҳим нуқта эканлиги, унинг бутун ижоди шу нуқтадан ибтидо олганлигига эътибор қаратилди. Абдулла Ориповнинг барча асарларини система ўлароқ кўз олдимизга келтирсак, аён бўладики, Абдулла Орипов учун борлиқ макон ва ломакондан, бу дунё ва у дунёдан иборат (Маконда ломаконсан, энди қайдан излагайдурман. “Онам вафотига”). Шоирнинг тасаввурича, олам чексиз, унинг Яратувчиси бор ва инсон уни охиригача била олмайди (“Авлодларга мактуб”, 1966). Шоир Яратувчини фалак, илоҳий қудрат, соқов даҳо, бепоён хилқат, доно табиат, буюқ ҳаким, муаллиф, худо, Аллоҳ, Сен, У каби турли номлар билан атайди. Умуман, Абдулла Ориповда истиқлолгача исломий-ирфоний тимсоллар, мажозлар, сўзлар қўлланиши изчил тус олган;

<sup>6</sup> Орипов А. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 28-б.

<sup>7</sup> Орипов А. Танланган асарлар. 1-жилд. – 7-б.

<sup>8</sup> Қацахян М. Роль мировоззрения в художественном творчестве // [http://raber.asj-oa.am/5105/1/1984-4\(32\).pdf](http://raber.asj-oa.am/5105/1/1984-4(32).pdf)

бу умуммиллий тафаккурда ғайриихтиёрий равишда исломий кадриятларни соғиниш нишонаси, “ўзликка қайтиш”нинг етилиб келаётганидан дарак эди. Шоир бадий-фалсафий оламида борлиқни қатъий интизомга эга олий тузилма, айна вақтда охиригача англаб бўлмайдиган сир ўлароқ идрок этиш изчил концепция тусини олган. Олам деганимиз теварак борлиқни ҳам, бошқа ўлчамдаги дунёни ҳам, инсон руҳиятини ҳам ўз ичига олади. Шоир мана шу ҳодисаларга тафаккур кўзи билан қараган ва уни охиригача англаб бўлмаслигини ҳис этган. Бундай қараш намуна, идеал ўлароқ тақдим қилинган совет жамияти, совет кишиси, совет илму фани каби андазаларга мутлақо мувофиқ келмас эди. Коммунистик мафкура ижодкорлари олам сирларини охиригача очиш, табиатни инсонга бўйсундириш, илму фан тантанаси каби даъволар билан тарих майдонига тушган эдилар. Абдулла Орипов эса ўша йилларда *“Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан, Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуксиз қаср экан”* деб ёзади. *“Бир зум гўзалликнинг ҳузурда жим Самовий ҳисларга бўлиб қолдим банд. О, доно табиат, о, буюк ҳаким, Ҳикмат кўрмадим мен ҳеч сенга монанд”*<sup>9</sup> (“Гўзаллик” шеъри, 1967 йил) дея сирли илоҳий кучнинг ўхшаши йўқлигини эътироф этади. Шоир ижодининг сўнгги босқичида ёзган ғазалларидан бирида, ниҳоят, қатъий тарзда шундай дейди: *“Кимнидир танҳо дедим мен Топгунимча то Сени, / Во ажаб, дунёни топдим, Англагач танҳо Сени. / Аслида ёлғиз Ўзингга Жо экан борлиқ жаҳон, / Ҳеч биров топмас ўзин ҳам Топмаса, илло, Сени”*.<sup>10</sup> Бу мисраларда Абдулла Ориповнинг олам, одам ва унинг Яратувчисига оид сўнгги қатъий нуқтаи назари акс этган.

Тадқиқотнинг учинчи фасли **“Борлиқда инсоннинг ўрни ва унинг вазифалари муаммоси”**нинг бадий талқинига бағишланади. Мутафаккир шоир сифатида Абдулла Орипов шеъриятининг марказида инсон ва унинг ҳаёти, борлиқдаги ўрни, вазифалари масаласи туради. “Коинот гултожи – Инсондир азал” деб бошланувчи тўртликни шоирнинг инсонга оид нуқтаи назарининг ҳам, бутун ижодининг ҳам программасидир, десак бўлади. Шоир бутун ижоди давомида инсоннинг иккиёқлама (коинот гултожи ва тубанлик ичра танҳо) мана шу хил сиймосига турли ракурслардан назар ташлади. Инсон сиймосида азал-абаддан мужассам этилган зиддиятни бадий талқин қилди. У инсоннинг инсонлигини йўққа чиқарадиган иллатларни кўпроқ қаламга олган. Бу адибнинг бадбинлиги эмас, ўз қавмини мукаммал, ёруғ сиймода кўриш истагидан туғилган изтироб, дардларидир. “Юзма-юз” шеърида аввалига *“Иштонсиз ажодни қўмсамоқ нечун?”*<sup>11</sup> дейди оз-моз киноя билан, аммо кейинроқда *“Зевс сиймосида ахтарди ўрнин”* дея инсонни юнонларнинг бош маъбудига менгзайди. “Сароб” шеърида (1966) *Ҳа, онамни ўйлар эдим инсон деган дам, / Йўқ, маймундан тарқаман дердим одамзод”*<sup>12</sup> дейди яна инсонни улуғлаб. Инсон сиймосида буюклик ва тубанлик бирдай мужассамлашганига оид бадий-ғоявий мазмун шоир шеърларидан қизил ип

<sup>9</sup>Орипов А. Танланган асарлар. 1-ж. – 138-б.

<sup>10</sup>Орипов А. Танланган асарлар. 7-ж. – 126-б.

<sup>11</sup>Орипов А. Танланган асарлар. 1-ж. – 60-б.

<sup>12</sup>Орипов А. Танланган асарлар. 1-ж. – 115-б.

бўлиб ўтади. Ҳамма вақт ифтихор, мақтов билан зимдан фожиалар тасвири ёнма-ён келади. У инсонни, энг аввало, табиатнинг ажралмас бир бўлаги деб англайди. 1974 йилда “*Лекин иноқ эдим мен аслим – табиат билан, Бепоён хилқат билан тунлар бўйи суҳбатдош*”<sup>13</sup> деб ёзган шоирда инсонга табиат параллелида қараш услуб даражасига кўтарилган. Шу фаслда инсон концепциясига оид ижодининг илк босқичида учрайдиган зиддиятлар, ёлғизлик, бахт, тафаккур, ҳаракат каби мотивлар ҳам тадқиқ этилди. Пировардида эса у “*Ўша нокомилнинг мен ҳам бириман*”<sup>14</sup> деб ёзади. Бу хил иқдорлар; узоқ йиллар адашиб, пуч ғоя-мафкураларга ишониб юрганидан ниҳоятда ичкин, ниҳоятда қаттиқ чеккан афсус-надоматлар ифода этилган мисралар, шеърлар Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Лев Толстой каби жаҳон мутафаккирларини хотирга келтиради. Абдулла Орипов ҳам худди ўшалар каби Ҳазрати Инсонни улуғлади, унинг камолотини аччиқ соғинди, илоҳий рутбасига номуносиб ишларидан ўкинди. Айни чоқда ўзини ҳам нокомил ўша бани башардан юқори ўринга қўймади. Ўз хатолари, адашишлари, гуноҳларидан қаттиқ изтироб чекди, тавба қилди, иқдорларини очиқ-ошкор ёзишдан истиҳола қилмади. Ҳамиша комилликка интилди. Худди ана шу ният-аъмоли, саъй-ҳаракатлари, тафаккури, иқдорлари, афсус-надоматлари худодод истеъдоди билан уйғунлашиб уни дунё адабиёти титанлари қаторига кўтарди. “*Афсус, қалбсизликка юз бурди инсон, Ақчадир суянган мураббийси ҳам*” деди у 2016 йил 30 апрелда ёзган “*Хаёл ва ҳаёт*” шеърларида. Бу унинг одам боласига, 21-аср кишисига берган энг сўнгги баҳоларидан бири бўлиб қолди. “*Инсон инсон учун тўқа олса ёш*” – шоирнинг энг олий орзуси шу.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ижтимоий борлиқ, ижодкор шахс ва уларнинг ўзаро муносабати**” деб аталади. Унинг биринчи фаслида **тарихий-ижтимоий контекст ва ижод босқичлари, Абдулла Ориповнинг шўро давридаги ижоди** таҳлил қилинди. Мазкур фаслда биз шоир ижодини мазмун-моҳияти, ғоявий-бадиий тенденцияларига кўра икки катта даврга ажратдик:

1. Шўро даври. XX асрнинг 60-йилларидан 1991 йилгача.
2. Мустақиллик даври. 1991-2016 йиллар.

Абдулла Орипов ижодининг илк даврида инсон ҳаётига оид ҳақиқатларни табиатда кўрди, табиатдан ахтарди. Уларни соддароқ шаклда ёнма-ён қўйиб, яхшилик ва ёмонлик ҳақида ёзди. Айни чоғда ёзганларини тадрижда кузатар эканмиз, Абдулла Ориповнинг ижодкор сифатида шиддат билан ўсганини кўришимиз мумкин. 20 ёшлар атрофидаги шоир инсон ва жамият ҳаётини шу қадар чуқур идрок этади ва беназир шаклда бадиий қайта гавдалантирадики, беихтиёр Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг “*Сен баҳорни соғинмадингми?*” мисолида айтган баҳосини такрорлашга тўғри келади: уларни “*25 ёшли шоир ёзганига ишонгинг келмайди!*” Ҳа, шахсга фақат юксак тафаккур ва улкан истеъдод табиат томонидан тухфа

<sup>13</sup>Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 236 б.

<sup>14</sup>Орипов А. Танланган асарлар. 2-жилд. – 303 б.

этилсагина жуда ёшлигиданоқ шу қадар доҳиёна тафаккур қилиши ва ёзиши мумкин. Тарих ва ижтимоий борлиққа муносабат, қалб манзаралари, ўта ичкин инсоний изтироблар, илоҳий коинот – Абдулла Орипов ижодининг илк босқичлариданоқ олам ва одамни мана шундай бутун кўлами билан камраб олди. Шоирнинг энг гўзал лирик, фалсафий шеърлари илк босқичнинг маҳсулидир.

Айни вақтда, Абдулла Ориповнинг шўро даври ижоди зиддиятлардан холи эмас. “Қайга ҳам борардим асримдан нари” дея иқрор этган шоир совет мафқураси тинмай тарғиб қилаётган ғояларни, идеал деб тақдим қилган воқеа-ҳодисаларни ҳам шеърга солди. Биз Абдулла Орипов бу ишни мажбурликдан қилган, дейишдан йироқмиз. Чунки коммунистик мафкура ва сиёсатнинг асл моҳиятини англаш у қадар осон иш эмас эди. Ҳар қандай ижтимоий-тарихий даврнинг асл моҳияти кўпинча ўша давр яқунлангандан кейин тўла намоён бўлади. Тарихий даврга вақт нуқтаи назаридан узоқроқдан туриб, айниқса, бошқа ижтимоий-иқтисодий формацияга ўтилгач, ҳукумат ҳам, унинг бошида турганлар ҳам алмашгач баҳо бериш осонроқ. Санъат асари ҳам, аслида, муайян даврнинг бадиий тарихи; бадиий ижод эса – муаллифнинг воқеликка муносабати, баҳосидир. Лекин шоир китоблари мундарижасини биттама-битта қараб чиқилса, шўрони алқаш мазмунидаги шеърлар жуда озчиликни ташкил қилишини кўрамиз. Шеърлар мавзу-мазмун жиҳатдан фақат буюк шоирларга хос равишда жуда ранг-баранг ва айни чоғда ҳар қандай ҳаётий мавзу фалсафий-мутафаккирона ёритилгани билан асл санъат намунасига айланган. Ҳар қандай назарий хулоса статистикага асосланишидан келиб чиққан ҳолда, шоирнинг шўро давридаги энг асосий тўплами “Йиллар армони”дан айрим йиллар мундарижасини кўриб чиқайлик. Мисол тариқасида 5 йилни олдик:

1962 йил. “Куз хаёллари”, “Дарбанд дарёси”, “Кўл” – ҳар учала шеърда ижтимоий мазмун йўқ; иккитаси табиат ва инсон ҳақидаги, биттаси инсон психологиясига оид;

1963 йил. 11 шеър. Фақатгина “Пушкин” шеърида “Ўчгандир зулматнинг заққумли саси, Ва ул жаллод замон битган абадий” каби мавҳумроқ мисраларга дуч келамиз. Аслида, иккинчи мисрада ҳам тарихий ҳақиқат йўқ деб бўлмайди. Чунки Пушкин яшаган ижтимоий-тарихий давр шеър ёзилган пайтда аллақачон ўз умрини тугатган эди;

1964 йил. Тўпламга 21 шеър киритилган. Шуларнинг ичидан фақат “Альбом”га ва “Юзма-юз” шеърларида коммунизм ҳақидаги мисралар бор;

1965 йил. 24 шеър. “Чол ва коммунизм қиссаси”, “Маяковскийга”. Биринчи шеър сарлавҳаси замонасозликдан дарак беради, лекин адабий матн ортига чуқурроқ назар ташласак, унда “шўро ваъда қилган идеал ҳаёт ҳали ваъдалигича турибди, ҳозирча шунчаки хаёл” деган маъно-мазмун бор;

1966 йил. 17 шеър. Уларда замонасозлик руҳида битилган бир мисра ҳам йўқ.

Юқорида айтиб ўтганимиз каби Абдулла Ориповнинг мутафаккир шахс, гуманист санъаткор сифатидаги шўро воқелигига раддияси ўзига хос шаклда намоён бўлди. У ўз даврининг бадиий тарихини яратди, кўрган-

билганларини рўй-рост тасвирлади. М., “Ўзбекистонда куз” шеърида халққа карата *“Бир нафас бошингни кўтаргину, боқ...”* дейди, чунки у одамлар кузнинг гўзаллигидан оладиган бахрасини оғир меҳнатга алишганига рози эмас. “Юзма-юз”да *“Рангпар сингилгинам, ўйлайман сени”*, *“Кузги райҳондайин маъюс ўсдинг сен”* сатрлари бор. Биз яқин 20-30-йил ичида “болалар меҳнати”, “мажбурий меҳнат” деган тушунчаларни муҳокама қилдик. Аммо шоир шу ходисанинг халқаро ҳуқуқдаги номи “болалар меҳнати” эканини билмай туриб, нотўғри иш эканлигини идрок қилган. Биз бу ҳолларнинг улкан ижтимоий фожиалар эканини кейин англадик. Шоирнинг хизмати – реал ҳаёт манзарасини берганида, шу фожиаларни англаб, ижтимоий муҳокамага олиб чиққанида.

Иккинчи бобнинг иккинчи фаслида **“Шоирнинг миллий истиқлол давридаги ижоди”** тадқиқ этилди. Абдулла Орипов истиқлолни катта қувонч ва айни пайтда хавотир билан кутиб олди, бу тарихий воқеани ўз шахсий шодлиги сифатида қабул қилди. “Озод Республика” (1998 йил август) шеърида *“Етти Ҳаж савобин топгум бегумон, Сени бир куйласам, эй Хурриятим!”* дея истиқлолни куйлашни исломдаги фарз амалга нисбат берди. Олдинроқда эса *“Ўзингсан интилиб етишиган Каъбам”* деган фахрия бор. Шеърда поэтик тасвир яхлит, ўзаро тақозодор-алоқадор унсурлардан ташкил топган. Шоир исломий мажозлар орқали эътиқод эркига тазйиқ-қатағонлар барҳам топганига ишора беряпти; шу кўчимлар улкан тарихий воқеага муаллиф муносабатини аниқ англадиб турибди. *“Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин”*, деб ёзади бир ўринда. Ғоявий-поэтик юк *“рост бўлсин”* деган ниҳоятда ўзбекона жумлага юкланган.

Шоир баъзан ҳаётнинг зарбларидан дилзада бўлган, номардлик, адолатсизлик, ноҳақ зулм, иккиюзмачилик, хиёнатлардан чарчаган бир қиёфада кўзга ташланади. Булар – шоирнинг шахсий ҳасратлари, дардларигина эмас. У миллатнинг эртасидан хавотирга тушади. Истиқлолга узатилган қора қўллар, тараққиётга тушов бўлаётган ёвуз мақсадли кучлардан эҳтиёт бўлишга чақиради. Умуман, истиқлол мавзусидаги шеърларда кўп ҳолларда ифтихор ва хавотир, ишонч ва гумон уйқаш келади. Шу каби ўринларда лирик қаҳрамон бутун инсоният тарихини битта ўзи яшаб ўтган мутафаккир донишманд сиймосини ўзида мужассамлаштиради. Абдулла Орипов ижодини икки босқичга ажратдик, аммо бу, асосан, тарихий-ижтимоий муҳитдан, ижтимоий идеал ва мафкурадан келиб чиқилган ниҳоятда шартли тасниф. Чунки шоир ижодида ғоявий-эстетик идеал, бош пафос, ботиний руҳ, услуб яхлит ва ўзгармасдир. У мутафаккир сифатида ҳамиша реал кечмиш-воқелик билан юксак идеаллар ўртасидаги, сўз ва амал ўртасидаги, минбар ва ҳаёт ҳақиқатлари ўртасидаги зиддиятни ботин кўзлари билан кўра олади, уни санъаткор сифатида юксак бадийий шаклда ифода эта олади. Истиқлол даврида ҳам озодлик, хуррият шоир ижодининг асосий мавзуларидан бири бўлиб қолаверди (“Озодлик”, “Хуррият”, “Янтоқ ва туя”). Абдулла Орипов истиқлолни юзаки эмас, тарихнинг паст-баланд йўлларида қуллик асоратидан зада бўлган халқнинг мутафаккир фарзанди сифатида чуқур идрок этган. У эрк ва хурриятни ҳам халқ ва давлат, ҳам алоҳида олинган инсон ракурсида

туриб идрок этади. Абдулла Орипов сўнгги йилларда ижодининг шундай палласига келдики, айтажак ҳар бир сўзини, мулоҳазасини гўё шеър билан айтади; хоҳлаган нарса-ҳодисадан маъно, ҳикмат ахтаради (“Хатна”, “Кассета”, “Анкета”, “Дарслик тузувчи”, “Апрель совуғи”, “Беозор кибр”, “Фермер кудамга”, “Отнинг думи”). Бир вақтлар “*Дунёда диёнат ҳали мавжуддир...*” дея сатрлар тизган шоир глобал дунёда кечаётган воқеа-ҳодисалардан шу қадар ларзага тушадики, теварак-атрофда бевосита “Қиёмат аломатлари”ни кўра бошлайди. “*Идрок одамларни буткул тарк этган*” – мана қиёматнинг сабаби. Ўз қавмидагиларни Ҳазрати инсон деб атаган шоир сўнгги асрга келиб унинг тарих кечмишларини ҳам, илоҳий кўрсатмаларни ҳам назар-писанд қилмай, тафаккур этмай телба-тескари интилишларидан даҳшатга тушади. У ижодкор кучли табақаланиш, инсон кадрининг сариқ чақага арзимаслиги, залолат каби фожеаларни ҳам фожеий идрок этади. Одамзоднинг сўнгги асрдаги ҳаёти унга телба-тескари томошага ўхшаб кўринади. Қофиясиз уч мисрали банддан ташкил топган шеърлар (“Ранглар ва оҳанглар”), истиқлол даврида яратилган туркум ғазаллар ҳам шу фаслда таҳлил қилинди.

Мазкур бобнинг учинчи фаслида “**Ижодкор шахс ва жамият муносабатлари муаммоси**” тадқиқ этилди. Шоир, ижодкор шахснинг ўзи яшаб турган жамият билан муносабатлари ҳамиша мураккаб кечган. Чунки асл санъаткор шунчаки асар яратувчи эмас, у табиий ва ижтимоий борликни ҳар доим юксак тафаккур билан яхлит, ўзаро алоқадорликда, тақозодорликда, ассоциатив идрок этади. Инсонлик жамиятининг қусурларини кўради, бошқаларга кўрсатади. Аслини олганда-ку, идеал жамият бўлиши мумкин эмас; тузумнинг ҳар қандай хусусияти ҳам, ундаги инсонпарварлик ҳам нисбий характерга эга. Негаки, жамият турли нуқтаи назар, дин вакиллари, қарашлари гоҳ уйғун, гоҳ бирига зид бўлган тоифалардан, худо берган табиати бир-бирига ўхшамаган одамлардан ташкил топади; уларнинг ҳаммасини бирваракайига қониқтирадиган сиёсат ҳам, ҳаёт тузилмаси ҳам бўлиши мумкин эмас. Яхши ёки ёмон деганда кўпроқ фоизларда инсонийлик асосларида ташкил топган ё топмаган жамиятлар назарда тутилади.

Шоирнинг шу муаммога оид қарашлари “Пушкин” (1963), “Некрасов ҳасрати” (1971), “Альбомга” (1972), “Маяковскийга”, “Ўйларим” (1966), “Шоирлар ҳаёти”, “Шеърим, айтар сўзим” (1994), “Ранглар ва оҳанглар” (2012), “Кечир, шеърим” (2014) каби шеърларида мисолида поэтик талқин этилди.

Иккинчи бобнинг охирги фаслида “**Муаллиф таҳрири**”га бадиий ижод жараёнининг ажралмас қисми сифатида қаралди. Бизнингча, “ижод лабораторияси” деган тушунча миллий адабиётшуносликка XX асрда кириб келган. Муайян асарнинг турли қоралама вариантларини чоғиштириш, шу асосда бадиий матн ё шоир-ёзувчи ижоди тадрижи, услубини тадқиқ этиш ҳам замонавий сўз илмига дахлдор ҳодиса<sup>15</sup>. Муаллиф таҳрири натижасида бадиий асар “пишади”. Бироқ таҳрир ҳамма вақт ҳам муваффақиятли чиқади,

<sup>15</sup>Бу ҳақда қ.: Ковалёв А. Психология литературного творчества. – Л.: Изд-во Ленинградского государственного университета, 1960. 136 с.; Цейтлин А.Г. Труд писателя. Вопросы психологии творчества, культуры и техники писательского труда. – М.: Советский писатель, 1962. 591 с.



деб бўлмайди. Бунда ишнинг муваффақиятини пировардида ижодкорнинг истеъдоди ҳал қилади. Ташқи таъсир, муайян босим (м, сиёсий) туфайли ҳам асар таҳрир қилиниши мумкин. “Оломонга” шеърида Абдулла Орипов “*Чултон отилганда қаёқда эдинг?*”<sup>16</sup> деган дастлабки вариантни ўзгартириб, шеърий тўпламларига “Лорка отилганда қаёқда эдинг?”<sup>17</sup> шаклида киритган. Бунинг сабаби маълум. Абдулла Орипов истиқлол йилларида анча-мунча шеърларига қалам урди, ишда шу асарлар қиёсан илмий тадқиқ этилди. Цензураддан ҳимояланиш, ўз хатосини “ёпиш”, олдин ёзилган асарни бирор санага мувофиқлаштириш каби объектив ва субъектив омиллар таҳрирга сабаб бўлади. Муаллиф таҳрири асл ҳақиқатни юзага чиқариши ҳам, уни тарих бағрига кўмиб юбориши ҳам мумкин. Диссертацияда муаллиф таҳрири масаласига илк марта назарий планда диққат қаратилди. Абдулла Орипов асарларининг турли нашрлари ўзаро қиёсда ўрганилди. Ижтимоий-тарихий давр тақозоси билан амалга оширилган таҳрирларга диққат қаратилди.

Учинчи боб “**Оламни идрок этиш ва бадий тасвир поэтикаси**” деб номланган. Бобнинг “**Абдулла Орипов шеъриятида жанр диалектикаси**” деб аталган биринчи фаслида жанр масаласи ўрганилди. Жанрий ва вазний ранг-баранглик шоир ижодига илк даврларданок хос бўлган, бу ҳол кейинчалик – ижодий тажрибанинг ортиши билан пайдо бўлган эмас: кейинчалик фаол қўлланган **6 мисралик бандлардан** иборат илк **шеъри** (бармоқдаги мусаддас дейиш мумкин) 1962 йилда (“Куз хаёллари”); илк **тўртлиги** 1963 йилда (“Мен қувонар бўлсам...”); **маснавий** шаклидаги (*аа бб вв* қофияланишли) бармоқ вазнидаги илк **шеъри** (“Куз манзараси”) 1964 йилда; **қисмларга бўлинган** йирик ҳажмли “Юзма-юз” **шеъри** 1964 йилда; **шеърий ҳикоя** характеридаги сюжетли “Учқур хаёл соҳиби йигит...” деб бошланувчи шеъри 1964 йилда; илк **ғазали** 1965 йилда (“Этгали”); илк **ҳазил шеъри** 1965 йилда (“Ҳаёт ишқи”) ёзилган. Абдулла Орипов шеъриятининг жанрий таркибини қуйидагилар ташкил қилади:

– бармоқ вазнидаги универсал шеърлар (улар ичида **ҳазил шеърлар, бағишловлар, маснавий қофияли** (*аа бб вв*), **мусаммат қофияли** (5, 6, 8, 10 мисрали) шеърлар, **марсия** руҳидаги шеърлар мазмуний-шаклий жиҳатдан алоҳида-алоҳида гуруҳларни ташкил қилади);

шеърий ҳикоя (сюжетли шеър); тўртлик; эпиграмма; ғазал; мухаммас; кўшиқ; қитъа; сарбаст шеър; оқ шеър.

